

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 619.616.993.192.615.084

Дўскулов Воҳиджон Мухитдинович

**ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ТЕЙЛЕРИОЗИНИ ДАВОЛАШ ВА
ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШНИ МАҲАЛЛИЙ ПРЕПАРАТЛАР
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

03.00.19-паразитология

**ветеринария фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
ёзилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд- 2012

Диссертация иши Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти
ва Самарқанд, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё
вилоятлари хўжаликларида бажарилган.

Илмий раҳбар:

ветеринария фанлари доктори
Ғафуров Ақтам Ғафурович

Расмий оппонентлар:

ветеринария фанлари доктори
Давлатов Равшан Бердиевич

ветеринария фанлари номзоди
Нурмаатов Хошим Пирмаатович

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
Сақлаш Вазирлигига қарашли
Л.М. Исаев номидаги тиббиёт
паразитология илмий-тадқиқот
институти

Химоя «12» апрел 2012 йил соат 14⁰⁰ да Самарқанд кишлок
хўжалик институти ҳузуридаги Д.120.34.02 рақамли бирлашган ихтисослашган
кенгашнинг йиғилишида ўтказилади. Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри,
М.Улуғбек кўчаси, 77. Самарқанд кишлок хўжалик институти. Тел.: (+99866)
234-33-20, факс: (+99866) 234-07-86

E-mail: saai_info@mail.ru. <http://www.samqxi.uz>.

Диссертация билан Самарқанд кишлок хўжалик институтининг Ахборот
ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат «12» апрел 2012 йилда тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, доцент


А.С.Даминов

Ишбидуъ ахборот ресурс маркази.
D-120.34.02 Бир пай ёил ИКБ. Исмаилов Илмий-исботий
доценти Ш. Доминов АС/ 12-03-12 в
ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз аҳолисини мунтазам равишда чорва махсулотлари билан таъминлаш ветеринария фани ва амалиётининг долзарб вазифаси бўлиб ҳисобланади. Бу борда Республикамиз Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-308 ва 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини қўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-842 сонли қарорлари мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришда асосий дастур бўлиб хизмат қилади.

Бундай муҳим муаммони муваффақиятли амалга оширишда қорамолларда учрайдиган тейлериоз касалиги катта тўсик бўлмоқда. Касаллик республикаимизнинг барча ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, чорвачиликка сезиларли даражада иқтисодий зарар етказмоқда.

Илмий маълумотларга қўра, ҳозирги пайтда хайвонларни парваришлаш технологиясининг ўзгариши ва амалий ветеринария хизмати учун зарур бўлган даволаш ва профилактик воситаларининг Республикамизда етарли даражада ишлаб чиқарилаётганлиги, хориждан келтирилаётган дори-дармонларнинг эса қиймати юқори ва самараси пастлиги натижасида тейлериознинг қорамоллар орасида тарқалиши 8-11 % (А.Ф.Ғафуров, 1999), хаттоки айрим хўжалиқларда 20% ни (О.Каримов, 2001; Н.Ж.Турабаев, 2001) ташкил қилмоқда. Сифати кафолатланмаган хорижий давлатлардан келтирилган дори-дармонлар билан даволанган қорамолларнинг 80-90 фоизининг нобуд бўлиши, касалланиб соғайган хайвонларда эса махсулдорликнинг кескин пасайиши ачинарли ҳол бўлиб қолмоқда.

Оқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжалиқларга қарашли қорамоллар тейлериозини маҳаллий хом ашёлардан тайёрланган дори воситаларни қўллаш билан даволаш ва профилактика қилишнинг замон талабларига мос усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон шароитида қорамоллар тейлериозининг тарқалиш даражаси турли даврларда ўрганилиб, касалликни даволаш ва профилактика қилишда купгина кимёвий ва биологик препаратлар синаб қўрилган. Улардан пироплазмин, гемоспоридин, бигумал, сульфатрол, беренил, азидин, диамидин, полиамидин препаратларининг ва тейлериозга қарши вакцинанинг самарадорлиги қўпчилик олимлар (А.В.Богородицкий 1935, 1938, 1939, 1959, К.А.Арифджанов 1960, 1963, 1964, 1966, И.Х.Расулов 1976, 1987, 1988, 1992, 1996, А.А.Марков 1948-1957, П.Н.Ли 1956-1963, Ў.Я.Узаков 1972, Т.Х.Рахимов 1975-1987, А.Ф.Ғафуров 1982-1999, Н.Ж.Турабаев, 2000-2001) томонидан аниқланган. Аммо бу препаратлар чет элларда ишлаб чиқилган бўлиб, уларни Ўзбекистонга олиб келиш ва қўллаш иқтисодий томондан яқин кўришга мумкин эмас. Шунинг учун Республикамизда ишлаб чиқарилаётган препаратларни тейлериозга қарши синаб қўриш ва уларни

Ишбидуъ ахборот ресурс маркази

Inv No 14169/1

амалиётга тадбик этиш ушбу муаммонинг иктисодий самарали ечими деб ҳисоблаш мумкин.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти дастурлари, амалий илмий-техник тадқиқотлар дастури ИИЧМ 2-Н ва ҚХА 10-011 асосида бажарилган ва Республикада ушбу соҳа бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос (2005-2010 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: Қорамоллар тейлериозини даволаш ва уни профилактика қилишда Республикамиз ҳудудида мавжуд маҳаллий хом ашёлар асосида ишлаб чиқилган дори воситаларини самарадорлигини аниқлаш, ветеринария амалиётига жорий қилиш ҳамда тейлериоз кўзгатувчиси- *Theileria annulata* ни криоконсервация қилишнинг янги усулини яратиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- тейлериозни даволашда Ўзбекистон Миллий Университети кимё факультети олимлари томонидан синтез қилинган диамидин ва Ўзбекистон препаратларининг самарадорлигини экспериментал тажрибаларда ўрганиш;

- тейлериозни даволашда Ўзбекистон ва дегаилни биргаликда қўллашдан олинган самарадорликни аниқлаш;

- тейлериозни профилактика қилишда бентонит ва ферровитнинг самарадорлигини ўрганиш;

- диамидин ва Ўзбекистоннинг тейлериознинг олдини олишдаги самарадорлигини аниқлаш;

- полиамидин-п препаратининг тейлериознинг олдини олишда самарадорлигини экспериментал тажрибаларда аниқлаш;

- полиамидин-п препаратининг тейлериозни профилактика қилишда самарадорлигини бевосита ишлаб чиқариш шароитида аниқлаш ва уни амалиётга тадбик этиш;

- тейлериоз кўзгатувчиси- *Th. annulata* ни криоконсервация қилишнинг янги усулини яратиш ва унинг патогенлик хусусиятини давомийлигини ўрганиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти: *Th. annulata*, турли ёшдаги тейлериозга чалинган қорамоллар, турли кимёвий препаратлар, ҳайвонлардан олинган кон намуналари, криоматериал.

Текшириш предмети: тейлериозни даволаш ва уни профилактика қилиш, *Th. annulata* ни криоконсервациялаш.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқот ишларини бажаришда эпизоотологик, клиник, паразитологик ва гематологик текшириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотлар гипотезаси. Ҳозирги пайтга келиб тейлериоз касаллигини қорамоллар орасида кенг тарқалиши, юртимизда қорамолларни сақлаш ва парваришlash технологиясини ўзгариши, амалий ветеринария хизмати учун зарур бўлган даволаш ва профилактика қилиш воситаларини Республикамиз ҳудудида деярли ишлаб чиқарилмасдан хориждан келтириляётганлиги ва бундай қимматбаҳо дори-дармонларнинг самарадорлигининг пастлиги маҳаллий хом-ашёлар асосида тейлериозга қарши янги восита ва усуллари

ишлаб чиқишни ҳамда уларни амалиётга жорий қилишни тақозо этмоқда.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Ўзбекистонда биринчи марта синтез қилинган диамидин ва Ўзбекистон препаратларининг қорамоллар тейлериезига қарши самарадорлигини аниқлаш натижалари;

- тейлериезни даволашда Ўзбекистон ва дегагилни биргаликда қўллашдан олинган натижалари;

- тейлериезни даволаш ва профилактика қилишда бентонит ва ферровитни аҳамиятини ўрганиш натижалари;

- қорамоллар тейлериезини профилактика қилишда диамидин ва Ўзбекистоннинг самарадорлигини экспериментал тажрибаларда аниқлаш натижалари;

- қорамолларнинг тейлериезини профилактика қилишда полиамидин-п препаратининг самарадорлигини аниқлаш ва уни ишлаб чиқариш шароитида кенг қўллаш натижалари;

- тейлериез қўзғатувчиси- *Th. annulata* ни криоконсервациялаш усулини яратиш ва унинг патогенлик хусусиятини сақлаш муддатини аниқлаш натижалари.

Илмий янгилиги.

- Ўзбекистонда биринчи марта синтез қилинган диамидин ва Ўзбекистон препаратларининг тейлериезни даволаш ва профилактика қилишдаги самарадорлиги аниқланди;

- илк бор ишлаб чиқилган полиамидин-п препаратининг тейлериезни профилактика қилишдаги самарадорлиги юқори даражада эканлиги лаборатория тажрибаларида ва бевосита ишлаб чиқариш шароитида аниқланди;

- илк бор тейлериез қўзғатувчиси -*Th. annulata* ни криоконсервациялашнинг янги усули яратилди (патент № 1AP 04088) ва унинг патогенлик хусусиятини сақлаш муддати аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ишнинг илмий-амалий аҳамияти шундан иборатки, илк бор синтез қилинган диамидин ва Ўзбекистон препаратларининг қорамоллар тейлериезини даволаш ва профилактика қилишдаги самарадорлиги ўрганилди. Полиамидин-п препаратининг тейлериезни профилактика қилишдаги самарадорлиги аниқланиб, уни ветеринария амалиётида қўллаш натижасида чорвачилик хўжалиқларини ушбу касалликдан соғломлаштириш мумкинлиги исботланди. Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан “Қорамолларнинг пироплазмидоз касаллиқлариға қарши полиамидин-п препаратини қўллаш бўйича Йўриқнома”(2010 й) тасдиқланган.

Биологик объектлар, жумладан тейлериез қўзғатувчиси -*Th.annulata* ни криоконсервация қилишнинг янги усули яратилди (патент № 1AP 04088). Криоконсервация қилинган тейлерияларнинг патогенлик хусусияти 12 ойгача сақланиши тажрибаларда исботланди ва бу усул амалиётда қўллаш учун тавсия қилинди.

Илмий тадқиқот натижалари 5440100-Ветеринария йўналиши ва 5A640108-Паразитар касаллиқлар мутахассислиги талабалари ва магистрларининг ўқув машғулотида, тадқиқотчиларнинг илмий ишларида

фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. “Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларига қарши полиамидин-п препаратини қўллаш бўйича Йурикнома” ишлаб чиқарилган, у ДВББ томонидан тасдиқланган ва (Тошкент, 2010й) ветеринария амалиётига жорий қилинган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ўзбикарбни делагил препарати билан биргаликда қўллашнинг тейлериозга қарши самарадорлиги юқори даражада бўлганлиги сабабли ушбу усул ҳам ветеринария амалиётида қўллаш учун тавсия этилди.

Яратилган тейлериоз кўзгатувчиси -*Th.annulata* ни криоконсервация қилишнинг янги усули тейлерияларни узоқ муддатда сақлаш имкониятини берди ва ундан лаборатория шароитида штаммлар коллекциясини яратишда, тажрибалар олиб боришда ва биологик препаратлар ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда.

Ишнинг апробацияси. Диссертация материаллари Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтининг илмий кенгаш ҳисобот йиғилишларида (2006-2010), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий ва олий таълим муассасалари магистрлари, аспирантлари, тадқиқотчилари ва докторантларининг «Еш олимлар-қишлоқ хўжалиги фани ва амалиётини юксалтиришда етакчи куч» илмий-амалий конференциясида (Тошкент, 2008), “Ветеринария соҳаси учун дори-дармонлар яратиш, синтез қилиш ва ишлаб чиқариш муаммолари” 4-Республика илмий-амалий конференциясида (Самарқанд, 2008), Самарқанд ҚХИ нинг 80 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий конференциясида «Қишлоқ тараккиёти ва фаровонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни» (Самарқанд, 2009), ЎЗВИТИ нинг 85 йиллигига бағишланган IV-ҳалқаро илмий конференциясида “Ҳайвон ва паррандаларнинг ўта хавфли касалликларини тарқалиши ва олдини олишнинг мониторинги” (Самарқанд 2011) маъруза қилинган ва уларнинг илмий тўпламларида чоп этилган.

Диссертация материаллари ЎЗВИТИ “Протозоология” лабораториясининг кенгайтирилган йиғилишида (Баён №1,12.08.2011й), СамҚХИ нинг “Ҳайвонлар касалликлари ва паразитология” кафедраси кенгайтирилган йиғилишида (Баён №3,27.09.2011й) ҳамда Д.120.34.02 рақамли ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда (Баён №3,26.11.2011й) муҳокама қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий мазмуни бўйича 11 та илмий ишлар, жумладан 6 та мақола Ўзбекистон Республикаси илмий оммабоп журналларида, 5 та Республика Илмий конференция материалларида ва “Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларига қарши полиамидин-п препаратини қўллаш бўйича Йурикнома”да чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 123 бет компьютер ёзувида баён этилган бўлиб, у кириш, 3 боб: адабиётлар таҳлили, тадқиқот материаллари, услублари, тейлериозни даволаш ва профилактика қилишнинг такомиллашган усулини ишлаб чиқиш, тейлериоз кўзгатувчиси (*Th.annulata*) ни криоконсервация қилиш усулини яратиш, тадқиқот натижаларининг таҳлилий

мухокамаси, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан ташкил топган. Унда 21 та жадвал, 12 та расм, 3 та диаграмма мавжуд. Адабиётлар рўйхати 189 манбадан иборат бўлиб, шундан 24 тасини хорижий адабиётлар ташкил этади. Ишнинг илова қисмида 8 та жадвал, 3 та диаграмма, 3 та апробация акти, 1 тавсиянома ва 1 ихтироликка патент нусхаси келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Биринчи бобда тейлериоз кўзгатувчиларининг ўрганилганлик даражаси, касалликнинг эпизоотик ҳолати, уни даволаш, кимёвий ва махсус профилактикаси ҳамда иммунитетни туғрисидаги чет эл ва ватанимиз олимларининг олиб борган илмий-тадқиқот ишларининг қисқача шарҳи келтирилган.

Иккинчи бобда тадқиқот материаллари, ҳажми ва услублари, тейлериозни даволаш ва профилактика қилишда олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган. Тадқиқотлар объекти қилиб Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институтида сақланаётган тажрибадаги қорамоллар, Самарқанд, Сирдарё, Навоий, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида қорамолчилик билан шуғулланадиган шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликлари олинди.

Илк бор ишлаб чиқарилган диамидин, ўзбикарб, полиамидин-п препаратларининг ҳайвон организмга ва унинг гематологик кўрсаткичларига таъсири умумқабул қилинган услубларда олиб борилди. Қорамоллар тейлериозини даволаш ва профилактика қилиш усулларини ишлаб чиқишда тажрибалар клиник, паразитологик текшириш услубларида ўрганилди. Тажрибалар экспериментал шароитда 132, ишлаб чиқариш шароитида - 2050 бош қорамолларда олиб борилди. Тейлериоз кўзгатувчиси *Th. annulata* ни криоконсервациялаш усулини ишлаб чиқишда глицерин, ДМСО, кон зардоби, писта ёғи, касалланган қорамолдан олинган кондан фойдаланилди.

Илмий-тадқиқот ишларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда “Ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услуги” дан фойдаланилди (В.А.Середкин, 1986, й).

Тажриба давомида олинган рақамларга Н.В. Садовский (1975) усулида статистик ишлов берилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси қуйидагилардан иборат бўлди:

Диамидин ва ўзбикарб препаратларини ҳайвон организмга ва унинг гематологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш. Тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 3 гуруҳ қорамолларда олиб борилди. Тажрибадаги қорамолларнинг 1-гуруҳига 4 мг/кг диамидин, 2-гуруҳига 4 мг/кг ўзбикарб препаратлари қунаро 2 мартадан қўлланилди. 3-гуруҳдагиларига препарат қўлланилмади.

Тажрибадаги қорамолларда клиник ва ҳар 3 кунда бир марта гематологик текширишлар ўтказилди. 15 кун давомида ўтказилган клиник текширишлар натижасида препаратлар қўлланилган қорамолларда беҳолликлар ва тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилмади. Шунингдек қунаро 2 марта 4 мг/кг дан қўлланилган диамидин ва ўзбикарб препаратларини гемопоэзга, гемоглобин

микдориға, эритроцитлар, лейкоцитлар сонига ҳамда лейкоцитар формулаға салбий таъсир этмаслиги аниқланди.

Қорамолларнинг тейлериозини даволашда диамидиннинг самарадорлигини ўрганиш. Тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 3 гуруҳ қорамолларда ўтказилди. Тажрибадаги ҳайвонларга тейлериялар спонтан ҳолда касалланган қорамолдан олинган кон билан тери остига 10 мл дан юбориб юктирилди.

Тейлериоз кўзгатувчиси юктирилгандан кейинги 16-17 кунлари қорамолларда тана ҳароратининг $40,9-41,2^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилганлиги, иштаҳасининг пасайиб кетиши, курак олди лимфа тугунларининг 3-4 баробар каттарганлиги, интоксикация ва анемия ҳолатлари кузатилди. Периферик кон томирлардан олинган қондан тайёрланган суртмаларда эритроцитларни тейлериялар билан 5-6% гача зарарланганлиги намоён бўлди.

Шундан сўнг тажрибадаги 1-гуруҳдаги қорамолларнинг териси остига кунаро 2 марта 2 мг/кг дан ва 2 гуруҳдагиларга кунаро 2 марта 4 мг/кг дан диамидин юборилди. Назорат гуруҳидаги қорамолларга препарат қўлланилмади.

Даволашдан кейин 2-3 кунлари 1-гуруҳдаги қорамолларнинг умумий ҳолатида деярлик ўзгариш кузатилмади, периферик кон томирларидан олинган суртмаларда эритроцитларни тейлериялар билан зарарланиши 10% гача ошди, тана ҳарорати $41,1-41,2^{\circ}\text{C}$ кўтарилди, 2-гуруҳдаги қорамолларнинг умумий ҳолати қисман яхшиланди, тана ҳарорати $40,4-40,5^{\circ}\text{C}$ гача, паразитар реакция 3-4% гача камайди, назорат гуруҳидаги қорамолларнинг умумий ҳолати ёмонлашиб, тана ҳароратини $41,6^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши, эритроцитларни тейлериялар билан зарарланиш даражасини 10 фоизгача ошиб бориши кузатилди, касаллик оғирлашди.

Шундай қилиб, тейлериозни даволашда юртимизда илк бор ишлаб чиқилган диамидинни кунаро 2 марта 2 мг/кг миқдорида қўлланилганда унинг самарадорлиги йўқлиги, кунаро 2 марта 4 мг/кг миқдорида қўлланилганда самарадорлик паст эканлиги аниқланди.

Тейлериозни даволашда ўзбекистоннинг самарадорлигини ўрганиш. Тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 3 гуруҳ қорамолларда ўтказилди. Уларнинг барчасининг тери остига спонтан ҳолда тейлериялар билан зарарланган ҳайвон қони 10 мл дан тери остига юборилди. Тейлерия юктирилган қорамолларда тейлериознинг клиник белгилари ва периферик кон томирларидан олинган суртмаларда паразитар ҳолат намоён бўлгач, 1-гуруҳдаги қорамолларнинг териси остига кунаро 2 марта 2 мг/кг ва 2-гуруҳдагиларга кунаро 2 марта 4 мг/кг миқдорида ўзбекистон қўлланилди.

Тажрибалар натижасида даволашдан кейинги 2-3-кунларида 1-гуруҳ қорамолларининг умумий ҳолатида деярли ўзгариш кузатилмади, тана ҳарорати юқори даражада сақланиб қолиши билан бир вақтда паразитар реакцияси ошиб борди, 2-гуруҳдаги қорамолларнинг умумий ҳолати қисман яхшиланди, тана ҳарорати бирмунча ($40,5^{\circ}\text{C}$) пасайди ва паразитар реакцияси 3-4% га камайди, 3-назорат гуруҳидаги қорамолларнинг умумий ҳолати ёмонлашиб, тана ҳарорати $41,8^{\circ}\text{C}$ га, паразитар реакцияси 17% га кўтарилди.

Шундай қилиб, тейлерози даволашда қунаро 2 марта 2 мг/кг микдорида қўлланилган ўзбекистоннинг самарадорлигининг йўқлиги, қунаро 2 марта 4 мг/кг микдорида қўлланилганда унинг самараси паст эканлиги аниқланди.

Тейлерози даволашда ўзбекистон ва делегация билан биргаликда қўллашдан олинган самарадорликни ўрганиш. Тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 2 гуруҳ қорамолларда ўтказилди. Тажибадаги қорамолларга тейлериялар спонтан касалланган қорамолдан олинган қон тери остига юбориб юктирилди. Тейлериялар юктирилган қорамолларда касалликнинг клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган суртмаларда эритроцитларни 12% гача ушбу паразитлар билан зарарланганлиги кузатиладиган, 1-гуруҳдаги қорамолларнинг тери остига қунаро 2 марта 4 мг/кг ўзбекистон ва шу билан бир вақтда 6 кун давомида 15 мг/кг дан делегация препараты юбориб турилди. 2-гуруҳдаги қорамолларга эса фақат ўзбекистон қўлланилди.

Тажрибалар натижасида ўзбекистон делегация билан биргаликда қўлланилган 1-гуруҳдаги қорамолларда даволашнинг 5-6 кунлари умумий ҳолат яхшиланди, иштаҳаси очилиб, овқат ҳазм қилиш органлари физиологик меъёрга ишлай бошлади. Периферик қон томирлардан олинган суртмаларда эритроцитларни тейлериялар билан зарарланиш даражаси 3-4 баробарга камайди ва тейлерияларнинг кўпчилигини деформацияга учраганлиги кузатилди. Бундай ҳолат 2-гуруҳдаги қорамолларда ҳам кузатилди.

Шундай қилиб, тейлерози даволашда қунаро 2 марта 4 мг/кг микдорда қўлланилган ўзбекистон ва шу билан бир вақтда 6 кун давомида 15 мг/кг дан делегация қўллашдан олинган самарадорликни биргина ўзбекистон қўллашдан олинган самарадорликдан юқори бўлиши аниқланди.

Тейлерози даволашда ферровит препаратининг гемопозтик хусусиятини ўрганиш. Тажибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 2 гуруҳ қорамолларда ўтказилди. Тажибадаги қорамолларга тейлериялар табиий касалланган қорамолдан олинган қон орқали юктирилди. Юктиришдан сўнг тажибанинг 18-19 кунлари қорамолларда тейлерозининг клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган суртмаларда эритроцитларни 8-9% гача тейлериялар билан зарарланганлиги аниқланди.

Шундан сўнг тажибадаги қорамолларнинг 1-гуруҳига қунаро 2 марта 4 мг/кг микдорида ўзбекистон ва 6 кун давомида 15 мг/кг делегация препараты қўлланилди. Шу билан бир вақтда қўшимча 1-гуруҳдагиларга 100 кг т.в. 16 мл дан ферровит уларнинг мушга орасига юборилди. 2- гуруҳдаги қорамолларга махсус препаратлар ферровитсиз қўлланилди.

Тажрибалар натижаси 1-гуруҳ қорамолларида касалликнинг енгил, 2-гуруҳдагиларида эса нисбатан оғир кечишини кўрсатди. Гематологик текширишлар натижаларига кўра 1-гуруҳга оид қорамолларда 2-гуруҳдагиларга нисбатан гемоглобин, эритроцит ва лейкоцитларни дастлабки ҳолатига қараганда тикланишини яхшироқ бўлганлиги кузатилди.

Шундай қилиб, тейлерози даволашда махсус препаратлар билан бир вақтда қўлланилган ферровит тейлерозга чалинган ҳайвонларни касалликдан тезроқ соғайиб кетишига ёрдам бериши, гемопозтик тикланишида эса унинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Тейлериозни профилактика қилишда диамидин ва ўзбикарбнинг самарадорлигини таққослаб ўрганиш. Тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 6 гуруҳ қорамолларда ўтказилди. Тажрибадаги қорамолларнинг 1-гуруҳига 2 мг/кг, 2-ва 3- гуруҳларига 4 мг/кг дан диамидин, 4-гуруҳига 2 мг/кг, 5-ва 6-гуруҳларига эса 4 мг/кг дан ўзбикарб препаратлари қўлланилди. Орадан 5 кун ўтгач 1-2-4-5 гуруҳлардаги ва 10 кун ўтгач 3-6 гуруҳлардаги қорамолларга тейлериялар билан спонтан ҳолда зарарланган қорамолдан олинган қонни тери остига 10 млдан юбориш орқали юктирилди.

Тажрибалар натижасида касаллик кўзгатувчиси тейлериялар билан зарарлантирилгандан сўнг 17 кун ўтгач 1-3- 4 ва 6-гуруҳ қорамолларининг тана ҳароратини 40,6-40,8^oС гача кўтарилганлиги ҳамда ташқи лимфа тугунларининг 2-3 баробар катталашishi, уларда иштаҳанинг пасайishi ва қавш кайтаришининг сустлашганлиги, ташқи шиллик пардаларида анемия ҳолати кузатилди. Шу билан бир вақтда периферик қон томирлардан олинган суртмаларда 5-8% гача эритроцитларни тейлериялар билан зарарланганлиги аниқланди. 2 ва 5-гуруҳлардаги ҳайвонларда тейлериознинг клиник белгилари ва қонида паразитемия кузатилмади.

Шундай қилиб, тейлерия билан зарарлантиришдан 5- кун олдин 2 мг/кг дан қўлланилган диамидин ҳамда шу миқдорда қўлланилган ўзбикарбнинг профилактик самарадорлиги йўқлиги, 4 мг/кг дан қўлланилганда диамидин ва ўзбикарбнинг профилактик самарадорлигини 5 кун сакланиб туриши аниқланди.

Тейлериозни профилактика қилишда полиамидин-п препаратининг самарадорлиги.Тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 3 гуруҳ қорамолларда ўтказилди. Тажрибадаги қорамолларнинг 1- гуруҳини ҳар 100 кг т.в. 5,0 мл, 2-3-гуруҳларини 100 кг т.в. 10 мл дан полиамидин-п препарати тери остига қўлланилди. 1- тажриба гуруҳидаги қорамоллар 5 кундан ва 2-гуруҳдагилари 10 кундан ва 3-гуруҳдагилари 15 кундан кейин тейлерия билан касалланган қорамолдан олинган қон билан зарарлантирилди.

Тажрибалар натижасида зарарлантиришдан 5-15 кун олдин 10 млдан қўлланилган полиамидин-п препаратининг профилактик самарадорлиги йўқлиги, аммо зарарлантирилгандан 10 кун олдин 10 мл дан қўлланилган полиамидин-п препаратининг самарадорлиги мавжудлиги аниқланди.

Тейлериозни профилактика қилишда полиамидин-п препаратини қўллаш билан бир вақтда бентонитнинг аҳамиятини ўрганиш. Тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 3 гуруҳ қорамолларда ўтказилди. Тажрибадаги 1-2-гуруҳ қорамолларини ҳар 100 кг т.в. 10 мл дан полиамидин-п препаратини қўллаш билан бир вақтда бериладиган омихта ем таркибига 5% Азкамар бентонит қон захираларидан олинган бентонит 20 кун давомида узлуксиз бериб борилди, 3-гуруҳдаги қорамолларга (назорат) бериладиган ем таркибига бентонит қўшилмади. 20 кун ўтгач 1 ва 3 гуруҳ, 30 кун ўтгач 2-гуруҳ тажриба ҳайвонлари тейлериоз кўзгатувчиси билан зарарлантирилди.

Тажрибалар натижасида 1-гуруҳ қорамолларида тейлериозни клиник белгилари, периферик қон томирларидан олинган суртмаларда паразитар реакция намоён бўлмади, 2- ва 3-гуруҳ қорамолларида тейлерия юктиришдан

кейин 17-18 кунлари тейлериозни клиник белгилари ва периферик кон томирлардан олинган кон суртмаларда паразитлар намоён бўлди.

Шундай қилиб, полиамидин-п препаратини қўллаш билан бир вақтда бериладиган ем таркибига бентонит қушиб бериб боришдан олинган самарадорликни 20 кун давомида ошиши ва шу билан бир вақтда кон таркибидаги гемоглобин ва эритроцитлар миқдори дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 16-20 % гача ошганлиги кузатилди. Шундан келиб чиққан ҳолда полиамидин-п препарати билан бир вақтда бентонитни қўллашнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Тейлериозни профилактика қилишда полиамидин-п препаратини амалиётга жорий қилиш. Полиамидин-п препаратини амалиётга жорий қилиш ишлари Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги тейлериоздан носоғлом бўлган “Energo nasl chorva” ШК (шуъба корхонаси)да 600 бош, Навоий азот ОАЖ ЧК да 400 бош ва Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги “Шуртаннефтваз” УШК (унитар шуъба корхонаси) хўжалигида 960 бош қорамолларда 2009-2010 йилларда ўтказилди.

Тадқиқотлар натижасида “Energo nasl chorva” ШК да 2009 йил давомида тейлериоз билан касалланган ҳайвон кузатилмади, 2010 йилда эса 3 бош ҳайвон унга чалинди, самарадорлик 99,6% ни ташкил қилди, Навоий азот ОАЖ да 2009-2010 йиллар давомида тейлериоз кузатилмади, “Шуртаннефтваз” УШК да 2010 йилда 960 бош қорамолдан 17 боши тейлериоз билан касалланди, самарадорлик эса 98,2%ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, ҳар 10 кунда қорамолларнинг 100 кг т.в. 10 млдан қўлланилган полиамидин-п препаратини тейлериозни профилактика қилишдаги самарадорлиги ўртача 99,2% ни ташкил қилди. Полиамидин-п препаратини қўллашда сарфланган 1 сўм харажатга 271 сўм иқтисодий самара олинди.

Учинчи бобда тейлериоз кўзгатувчиси -*Th. annulata* ни фаоллигини сақланиш муддатини совутгичда сақлаш йўли билан аниқлаш ва тейлериоз кўзгатувчисини криоконсервация қилиш усулини яратиш ҳамда криоконсервация қилинган касаллик кўзгатувчисининг фаоллик муддатларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Тейлериоз кўзгатувчиси -*Th. annulata* нинг фаоллигини сақланиш муддатини совутгичда сақлаш йўли билан аниқлаш. Таҷрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 4 гуруҳдаги қорамолларда ўтказилди. Бунинг учун спонтан ҳолда тейлериозга чалинган қорамолдан 7% лик цитрат натрий ва 10% гепарин эритмаларида 1:10 нисбатда 60 мл дан кон олиниб фибринсизлаштирилди ва совутгичга ($\pm 4^{\circ}\text{C}$) жойлаштирилди.

7 кундан кейин 1- гуруҳдаги ҳайвонларга цитрат натрий, 3-гуруҳдагиларга гепарин эритмаларида, 14 кундан кейин эса 2-гуруҳдагиларга цитрат натрий, 4-гуруҳдагиларга гепарин эритмаларида сақланган кон 10 мл дан тери остига юборилди.

Таҷрибалар натижаси 1-ва 3- гуруҳлардаги қорамолларда 18-19 кунлари тейлериозни клиник белгилари ва қонда паразитемия ҳолати намоён бўлди. 14 кундан кейин юктирилган 2-ва 4- гуруҳ қорамолларда бундай ҳолат кузатилмади.

Шундай қилиб, совутғичда (+4°C) цитрат натрий ва гепарин эритмаларида сақланган тейлериоз қўзғатувчисининг патогенлик хусусиятини 7 кун давомида йўқотмаганлиги аниқланди.

Тейлериоз қўзғатувчисининг фаоллигини сақланиш муддатини узайтиришда қон зардоби ва глюкозанинг аҳамиятини ўрганиш. Тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 4 гуруҳ қорамолларда ўтказилди. Тажрибадаги 1-3-гуруҳлардаги қорамолларга тейлерия билан инвазияланган қонни соғлом ҳайвондан олинган қон зардоби билан 1:1 нисбатда аралаштирилган консерватив материали ва 2-4-гуруҳларидагиларга эса инвазияланган қонни глюкоза билан 1:1 нисбатда аралаштирилган консерватив материал билан 14 кундан кейин териси остига 20 мл дан юборилди. Натижада барча гуруҳлардаги қорамолларда 18-19 кунлари тейлериознинг клиник белгилари намоён бўлди ва периферик қон томирларидан олинган суртмаларда тейлериялар кузатилди. Бу тажрибалар 21 кун сақланган инвазияланган материаллар билан ўтказилганда барча гуруҳларда 30 кун давомида тейлериознинг клиник белгилари ва периферик қон томирлардан олинган қон суртмаларида паразитлар кузатилмади.

Шундай қилиб, тейлериоз қўзғатувчиси билан инвазияланган қонни қон зардоби ёки глюкоза билан бойитилган консерватив материалда касаллик қўзғатувчисининг фаоллигини 14 кун давомида сақланиб турганлиги аниқланди.

Тейлериоз қўзғатувчисини криоконсервация қилиш усулини яратиш ва криогенизация қилинган тейлерияларнинг фаоллигини сақланиш муддатларини ўрганиш.

Тейлериоз қўзғатувчисини криоконсервация қилиш 2 хил услубда бажарилди. *1-услубда* криопротектор тарикасида 13 мл глицерин ва 27 мл соғлом ҳайвондан тайёрланган қон зардоби ҳамда унга қўшимча 10 мл писта ёғи, *2-услубда* эса криопротектор тарикасида 12 мл диметилсулфоксид ва 28 мл соғлом ҳайвондан тайёрланган қон зардоби ҳамда унга 12 мл писта ёғи солиб аралаштирилди. Шундан сўнг биринчи услубда тайёрланган аралашмага спонтан касалланган ҳайвондан олинган қондан 50 мл, иккинчи услубда тайёрланган аралашмага 48 мл қўшилди ва улар яхши аралаштирилган ҳолда 20 дақиқа уй ҳароратида сақланди, сўнгра Дьюар (суюлтирилган азот) идишига солиб жойлаштирилди (патент № 1АР 04088).

Назорат сифатида учинчи услубдан (ВИЭВ усули) фойдаланилди. Криоконсервация қилинган тейлериоз қўзғатувчисининг фаоллигини криогенлаштирилгандан 1 ойдан кейин аниқлаш бўйича тажрибалар 4 гуруҳдаги 3 бошдан қорамолларда олиб борилди. Тажрибадаги ҳайвонларнинг 1- гуруҳига 1-услубда, 2-гуруҳига 2-услубда ва 3-гуруҳига 3-услубда тайёрланган криоген материал 20 мл дан ва 4-гуруҳ (назорат) даги қорамолларга тейлериоз билан спонтан касалланган ҳайвондан олинган қон тери остига 10 мл дан юборилди.

Тажрибалар натижасида юқтиришдан кейин 4-гуруҳдаги қорамолларда 12-кун, 1-2 гуруҳдаги қорамолларда эса 14- кун ва 3-гуруҳдаги қорамолларда 16-кун тейлериознинг клиник белгилари ва қон суртмаларида паразитар реакция намоён бўлди.

Юкорида қайд қилинган усулларда тайёрланган криоматериаллар 6 ва 12 ойдан кейин тажрибадаги ҳайвонларнинг тери остига шу миқдорда юборилди. Натижада криоконсервация қилинган тейлериоз қўзғатувчисининг фаоллигини 12 ой давомида (кузатув муддати) сақлаб қолиши исботланди ва бизлар томонимиздан илк бор яратилган тейлериоз қўзғатувчисини криоконсервациялаш усулининг самараси хорижий давлат усулидан бирмунча юкори эканлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон Миллий университети кимё факультети олимлари томонидан илк бор синтез қилинган диамидин ва Ўзбекистон препаратлари қорамолларга қунаро 2 марта 4 мг/кг миқдорда қўлланилганда уларни гематологик кўрсаткичларга салбий таъсир қилмаслиги ва организмда нохуш ҳолатларни юзага келтирмаслиги аниқланди.

2. Тейлериозни даволашда қунаро 2 марта 2 мг/кг миқдорда қўлланилган диамидин ва Ўзбекистон препаратларининг самарадорлиги йўқлиги ва қунаро 2 марта 4 мг/кгдан қўлланилганда эса унинг самарадорлиги кам даражада бўлиши кузатилди.

3. Тейлериозга чалинган қорамолларни даволашда қунаро 2 марта 4 мг/кг миқдорда тери остига қўлланилган Ўзбекистон ва шу билан бир вақтда 6 кун давомида 15 мг/кг миқдорда оғиз орқали бериб борилган далагилнинг самарадорлигини юкори даражада бўлиши аниқланди.

4. Тейлериозни даволашда махсус препаратларни қўллаш билан бир вақтда қорамолларнинг 100 кг т.в. 15-16 мл дан ферровитни бир марта қўллаш организмда гемопоззни тиклашда муҳим омил эканлиги исботланди.

5. Тейлериозга юктиришдан 10 кун олдин 2-4 мг/кг дан қўлланилган диамидин ва Ўзбекистоннинг профилактик самарадорлиги йўқлиги, 5 кун олдин 4 мг/кг дан қўлланилганда эса уларнинг профилактик самарадорликга эга эканлиги аниқланди.

6. Тейлериозни профилактика қилишда қорамолларнинг 100 кг т.в. 10 мл дан қўлланилган полиамидин-п препаратининг самарадорлиги 10 кунни, полиамидин-п препаратини қўллаш билан бир вақтда бериладиган омехта ем таркибига 5% бентонит қўшиб берилганда самарадорлик 20 кунгача бўлган муддатни ташкил қилиши аниқланди.

7. Тейлериоздан носоғлом ҳўжаликларда полиамидин-п препаратини ҳар 10 кунда касалликнинг мавсуми давомида тизимли равишда қўллашдан олинган самарадорлик ўртача 99,2% ни ташкил қилди, препаратни қўллаш 1 сўм қилинган харажатга 271 сўм иқтисодий самара кўрсатди.

8. Тейлериоз қўзғатувчиси - *Th. annulata* ни криоконсервациялашнинг янги усули яратилиб (патент № 1AP 04088, 25.08.10) унда ушбу паразитнинг патогенлик хусусиятини 12 ойгача сақлаб қолиши аниқланди.

АМАЛИЁТГА ТАВСИЯЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган “Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларига қарши полиамидин-п препаратини қўллаш бўйича Йўриқнома”га қўра ушбу препаратни тейлериознинг мавсуми давомида ҳар 10 кунда қўллаш.
2. Тейлериоз билан касалланган қорамолларни даволашда қунаро 2 марта 4 мг/кг дан ўзбикарб ва 6 кун давомида 15 мг/кг миқдорида делагилни қўллаш.
3. Тейлериоз қўзғатувчиси -*Th.annulata* ни криоконсервация қилишда “Қорамолларда тейлериоз қўзғатувчисини криоконсервациялаш усули” (патент № 1АР 04088, 25.08.2010) дан фойдаланиш.


ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. А.Ф.Ғафуров, Ў.И.Расулов, Н.Турабоев, В.М. Дўскулов. Қорамолларнинг қон касалликлари // Зооветеринария.- Тошкент, 2007. -№ 1.- 23 б.
2. А.Ф.Ғафуров, Ў.И.Расулов, Н.Турабоев, В.М. Дўскулов. Қорамолларни қон паразитар касалликлардан асраш // “АГРО-ИЛМ” (Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий иловаси).-Тошкент, 2007.-№ 2.36-37 б.
3. В.М. Дўскулов. Тейлериоз қўзғатувчилари -*Th.annulata* ни экспресс-криоконсервация қилиш усули. “Ёш олимлар-қишлоқ ҳўжалиги фани ва амалиётини юксалтиришда етакчи қуч” Республика илмий-амалий конференциясининг илмий мақолалар тўплами. 2-жилд.-Тошкент,”АГРО ИЛМ” журнали, 2008.55-58 б.
4. В.М. Дўскулов, Ў.И.Расулов, Н.Турабоев, М.Юсупова. Тейлериозни даволашда Ўзбикарб препаратининг самарадорлиги // Туртинчи Республика илмий-амалий конференциясининг маърузалар матнининг тўплами. – Самарқанд: ЎЗВИТИ, 2008.-Б.196-200.
5. В.М. Дўскулов, Ў.И.Расулов, М.Юсупова, А.Ф.Ғафуров. Қорамоллар тейлериози ва даволашнинг такомиллашган усули // Зооветеринария.-Тошкент, 2009.-№ 7.-18-19 б.
6. В.М. Дўскулов, Ў.И.Расулов, Х.Мирзахидов, М.Юсупова. Тейлериозни профилактика қилишда Ўзбикарб ва полиамидиннинг самарадорлиги // “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни”/ Республика илмий- амалий конференциясининг маърузалар матни тўплами. – Самарқанд: Сам ҚХИ, 2009.- Б.30-35.
7. В.М. Дўскулов, А.Ф.Ғафуров. Тейлериозни профилактика қилиш ва даволашда бентонитнинг аҳамияти // Зооветеринария.-Тошкент, 2009.-№ 11. - 23-25 б.
8. В.М. Дўскулов, А.Г.Ғафуров. Тейлериоз крупного рогатого скота и новый способ лечения //Зооветеринария.-Ташкент, 2010.- № 6.-С.21-22.

9. В.М. Дускулов, Ў.И.Расулов, А.Ф.Гафуров. Қорамолларда тейлериоз кўзгатувчисини криоконсервациялаш усули // Зооветеринария.-Тошкент, 2011.-№ 4.-7-9 б.

10. В.М. Дускулов, Ў.И.Расулов, А.Ф.Гафуров. Қорамоллар тейлериозини даволашда диамидиннинг самарадорлиги // “Хайвон ва паррандаларнинг ўта хавфли касалликларини тарқалиши ва олдини олишнинг мониторинги”/ Тўртинчи халқаро илмий конференция маърузалари матнининг тўплами.- Самарқанд: ЎзВИТИ,2011.-Б. 74-77.

11. В.М. Дускулов, А.Ф.Гафуров. Диамидин ва ўзбекистоннинг қорамоллар гематологик кўрсаткичларига таъсири // “Хайвон ва паррандаларнинг ўта хавфли касалликларини тарқалиши ва олдини олишнинг мониторинги”/ Тўртинчи халқаро илмий конференция маърузалари матнининг тўплами.- Самарқанд: ЎзВИТИ, 2011.-Б. 78-80.



Ветеринария фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Дўскулов
Воҳиджон Мухитдиновичнинг 03.00.19-паразитология ихтисослиги бўйича
“Қорамолларнинг тейлериозини даволаш ва профилактика қилишни
маҳаллий препаратлар асосида такомиллаштириш” мавзусидаги
диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч сўзлар: пироплазмидозлар, тейлериоз, *Th.annulata*, диамидин, ўзбикарб, полиамидин-п, бентонит, ферровит, самарадорлик, криопротектор, криоконсервация, даволаш, профилактика.

Тадқиқот объектлари: *Th.annulata*, турли ёшдаги тейлериозга чалинган қорамоллар, турли кимёвий препаратлар, хайвонлардан олинган қон намуналари, криоматериал.

Ишнинг мақсади: Қорамоллар тейлериозини даволаш ва уни профилактика қилишда Республикамиз ҳудудида мавжуд маҳаллий ҳом ашёлар асосида ишлаб чиқилган дори воситаларини самарадорлигини аниқлаш, ветеринария амалиётига жорий қилиш ҳамда тейлериоз кўзгатувчиси- *Theileria annulata* ни криоконсервация қилишнинг янги усулини яратиш.

Тадқиқот услублари: эпизоотологик, клиник, паразитологик, гематологик.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тейлериозни даволаш ва профилактика қилишда диамидин, ўзбикарб, полиамидин-п препаратларининг оптимал миқдори ва самарадорлиги аниқланган ва амалиётга жорий қилинган. Тейлериоз кўзгатувчиси -*Th.annulata* ни криоконсервациялаш усули ишлаб чиқилган ва унинг фаоллик муддати аниқланган (патент № IAP 04088).

Амалий аҳамияти: Тейлериозни даволаш ва профилактика қилишда диамидин, ўзбикарб, делагил, полиамидин-п препаратларини қўллаш натижасида чорвачилик хўжаликлари соғломлаштирилади. Ишлаб чиқилган тейлериоз кўзгатувчиси -*Th.annulata* ни криоконсервациялаш усули ушбу паразит штаммларининг коллекциясини яратишда, экспериментал тажрибалар олиб боришда ҳамда биопрепаратлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот натижалари қорамолларнинг тейлериозини даволаш ва профилактика қилишда илмий асос бўлади. Тадқиқотлар асосида “Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларига қарши полиамидин-п препаратини қўллаш бўйича Йурикнома” ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси ҚСХВ ДВББ томонидан (05.06.2010 й.) тасдиқланган. Полиамидин-п препаратини тейлериознинг олдини олиш мақсадида мавсум (март-сентябр) давомида тизимли равишда ҳар 10 кунда қўллаш 1 сўм қилинган харажатга 271 сўм иқтисодий самара бериши аниқланди.

Қўллаш соҳаси: Ветеринария.

РЕЗЮМЕ

диссертации Дускулова Вохиджона Мухитдиновича на тему:
“Усовершенствование лечения и профилактики тейлериоза крупного
рогатого скота на основе местных препаратов” на соискание учёной
степени кандидата ветеринарных наук по специальности 03.00.19-
паразитология.

Ключевые слова: пироплазмидозы, тейлериоз, *Th.annulata*, диамидин, узбикарб, полиамидин-п, бентонит, ферровит, эффективность, криопротектор, криоконсервация, лечение, профилактика.

Объекты исследования: *Th.annulata*, больной тейлериозом крупный рогатый скот, разные химические препараты, образцы крови животных, криоматериал.

Цель работы: Определить эффективность лекарственных средств, разработанных в Республике, на основе местного сырья при тейлериозе крупного рогатого скота, внедрить их в производство и создать новый способ криоконсервации возбудителя тейлериоза – *Theileria annulata*.


Методы исследования: эпизоотологические, клинические, паразитологические, гематологические.

Полученные результаты и их новизна: Установлены оптимальные дозы и изучены лечебно-профилактические свойства диамидина, узбикарба, полиамидина-п при тейлериозе крупного рогатого скота и внедрены в ветеринарную практику. Разработан способ криоконсервации возбудителей тейлериоза – *Th.annulata* и установлен срок патогенных свойств тейлерий (Патент на изобретение IAP 04088).

Практическая значимость: В результате применения диамидина, узбикарба, полиамидина-п животноводческие хозяйства оздоровятся от тейлериоза. Разработанный способ криоконсервации возбудителя тейлериоза используется при создании коллекции штаммов, проведении экспериментальных опытов и производстве биологических препаратов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Результаты исследований являются основой для лечения и профилактики тейлериоза крупного рогатого скота. Разработано и утверждено ГУВ МСВХ Республики Узбекистан “Наставление по применению полиамидина-п против пироплазмидозов крупного рогатого скота” (05.062010 г). В результате систематического применения полиамидина-п каждые 10 дней, с марта по сентябрь, на израсходованный 1 сум получен 271 сум экономической эффективности.

Область применения: Ветеринария.



RESUME

for the dissertation of Duskulov Vohidjon Mukhitdinovich on theme "The improvement of treatment and prophylaxis of teylerios of cattle on the base of local preparations" presented for candidate of veterinary sciences degree on speciality 03.00.19- "Parasitology".

Key word: piroplasmidoses, teylerios, *Th.annulata*, diamidin, uezbikarb, polyamidin-p, bentonit, ferrovite, effectiveness, crioprotector, crioconservation, treatment, prophylaxis.

Objects of the inquiries: *Th.annulata*, cattle sick with teylerios, diggerent chemical preparations, samples of blood of animals, criomaterial.

The aim of the work: To determine the effectiveness of medicinal remedies, elaborated in the Republic on the base of local raw materials at teylerios of cattle, inculcate them into production and create new ways of crioconservation of agents of teylerios – *Theileria annulata*.

Method of inquiry: epizootological, clinical, parasitological, haematological.

Obtained results and their novelty: The were ascertained optimum dozes and studied treating –prophylactic properties of diamidin, uezbikarb, polyamidin-p at teylerios of cattle and inculcated into veterinary practice.

There is elaborated the teylerios –*Th. annulata* and established the term of pathogenous properties of teylerios (Patent for invention IAP 04088.)

Practical significance: As a result of application of diamidin, uezbikarb, polyamidin-p in stock-breeding farms will be healthier from teylerios. The elaborated method of crioconservation of agents of teylerios –*Th. annulata* is used for creation of collection of stamms, at conducting experimental tests and at production of biological preparations.

The degree of inculation and economical effectiveness:

The results of researches are the base for treatment and prophylaxis of teylerios of cattle. There was elaborated and confirmed by state Administration Board of Veterinary of the Republic of Uzbekistan.

" The directions on the of the application of polyamidin-p against piroplasmidoses of cattle"(the 5th of Jine, 2010). As a results of the systematic usage of polyamidin-p every 10 days during period from march till september there was obtained 271 sums of economical effectiveness from 1 sum spent.

The sphere of application: veterinary.

